

Г.Н. Махмудова, и.ф.н., ЎзМУ

ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИНГ ИЛМИЙ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ РИВОЖЛАНИШИ

В статье анализируется эволюция развития научных концепций, посвященных модернизации экономики. Раскрываются особенности научных концепций, созданных школами неокейнсианцев и неоклассиков до разработки институциональных программ модернизации экономики.

In the article analyzes the evolution of the development of scientific concepts dedicated to modernize the economy. Revealed features of scientific concepts by the neo-Keynesians and neo-classical schools until develop institutional programs to modernize the economy.

Калитли сўзлар: *Иқтисодиётни модернизациялаш, иқтисодиётни модернизациялаш концепцияси, илмий мактаб қарашлари, неокейнс назарияси, неоклассик назария.*

Ўзбекистоннинг замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириши иқтисодиётда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини изчиллик билан ошириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашида миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш етакчи ўрин тутди. Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов таъкидлаганларидек, **“Бизнинг ўз олдимизга қўйган мақсадимиз – бошлаган ислохотларимиз, иқтисодиётимизни янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларини давом эттириш ва чуқурлаштириш, ҳаётимиз даражаси ва сифатини изчил ошириб боришни таъминлаш, тенглар ичида тенг бўлиб, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашдан иборатдир”**[1].


Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор суръатларда ўсишини таъминлаган тараққиётнинг ўзбек моделининг назарий асослари иқтисодиётни модернизациялаш концепциялари эволюциясини чуқур таҳлил қилиш асосида такомиллаштирилади. Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш тажрибасини кузатадиган бўлсак, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар тараққиётида иқтисодиётни модернизациялаш муҳим босқич ҳисобланади. Турли иқтисодий мактаб вакиллари томонидан ўз даврида қандай қилиб давлат ва жамиятни бойитиш, кишиларнинг ўзгариб, ўсиб бораётган чексиз эҳтиёжларини чекланган ресурслар ҳисобидан тўлароқ қондириш, иқтисодиётни жадал ривожлантириш дастакларини аниқлаш мақсадида турлича ёндашувга эга бўлган концепциялар ишлаб чиқилган ва улар асосида иқтисодиётни ривожлантириш моделлари тузилган. Ана шу концепцияларни тадрижий тарзда ўрганиш ва таҳлил этиш асосида Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизациялашнинг концептуал асосларини шакллантириш ва такомиллаштириш учун зарур бўлган илмий хулоса ва таклифларни шакллантириш илмий-амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов томонидан ишлаб чиқилган “Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да кўзда тутилган стратегик мақсадлардан бири бу **халқимиз учун муносиб ҳаёт шароити яратиш** бўлиб, ушбу мақсадга эришишда қатор ривожланган давлатларда қўлланилган концепциялар моҳиятини ўрганган ҳолда уни амалда ижодий қўллаш механизмини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Иқтисодиётни модернизациялаш концепцияларининг ривожланиш даври, асосан, XX асрнинг ўрталарига тўғри келади. Тарихдан яхши маълумки, I ва II иккинчи жаҳон урушларининг рўй бериши жаҳон харитасидаги кўплаб давлатларда иқтисодий тангликни келтириб чиқариб, уни бартараф этиш йўллари топиш ва алоҳида давлатлар ҳамда жаҳон иқтисодиётини яхлит бир бутун ҳолда ривожлантириш масаласи олимлар олдига қатор вазифаларни қўйди. Ушбу вазифаларни ҳал этишда иқтисодий мактаб вакиллари турли хил ёндашув ва концепцияларни илгари сурганлар.

Иқтисодиётни модернизациялашнинг пировард натижаси барқарор ва юқори ўсиш суръатларини таъминлашда намоён бўлар экан, иқтисодий ўсиш моделлари иқтисодиётни модернизациялаш концепцияларининг асосини ташкил этади. Мазкур концепциялар эволюциясини кузатадиган бўлсак, иқтисодий ўсишнинг кейнс модели, неоклассик модели, бозор иқтисодиётининг институционал концепциялари, шунингдек, иқтисодий ўсишнинг янгича моделлари ишлаб чиқилганлигини кўриш мумкин. Ушбу моделларнинг ҳар бири таркибига қатор концепциялар киради. Уларнинг ҳар бири тўғрисида қисқача тўхталиб ўтамиз. Демак, иқтисодий ўсишнинг кейнс моделида қуйидаги тўртта назарий концепциялар мавжуд: 1) “қашшоқликнинг доиравий чегараси” назарияси; 2) “ўзини-ўзи қўллаб-қувватловчи ўсиш” концепцияси; 3) “катта туртки” назарияси; 4) “икки тақчиллик билан ўсиш модели” концепцияси.

“Қашшоқликнинг доиравий чегараси” тушунчаси иқтисодий айланмага 1949-1950 йилларда илк бор Г. Зингер ва Р. Пребишлар томонидан киритилган бўлиб, назарий концепциянинг асосини аҳолининг ўсиши ва иқтисодий шарт-шароитлар ўртасидаги муносабатлар ташкил этиб, у аҳоли жон бошига тўғри келадиган миллий даромад даражасининг ортиб ёки камайиб бориши билан юз берадиган тебранишлар ҳисобига амалга ошади. Аҳоли турмуш даражасининг ортиши, одатда, аҳолининг ўсиши натижасида “пасайиб” боради. Бу ҳолатни америкалик олим Харви Лейбенстайн ўзининг квазибарқарор тенглик назариясида қуйидагича изоҳлайди:



1-расм X. Лейбенстайннинг квазибарқарор тенглик назарияси[2]

1-расмдан кўринадики, ҳосилдорликнинг ортиши озиқ-овқат таъминотининг яхшиланиши ва очлик муаммосининг тугатилишига олиб келади. Бу эса аҳолининг умрини узайтириб, ўлим даражасининг пасайиши ва аҳоли сонининг ўсишига сабаб бўлади. X. Лейбенстайн фикрига кўра, аҳоли сонининг ортиши мос равишда ер ресурсларининг қисқаришига олиб келади, чунки аҳолини тураржой, кийим-кечак ва озиқ-овқат билан таъминлаш, яъни биринчи даражали эҳтиёжларини қондириш талаб этилади. Табиий ер ресурсларининг қисқариши ҳосилдорликнинг камайишига олиб келади.

Дарҳақиқат, аҳолининг ўсиши ЯИМнинг ўсиш суръатларига қараганда юқори бўлса, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ мос равишда камайиб боради. Ўзбекистонда 1991 йилда аҳоли сони 21 млн.дан ортиқ қайд этилган бўлиб, 2012 йилга келиб 30 млн.га яқинни ташкил этди. Шу билан бирга, Ўзбекистонда ЯИМнинг барқарор ўсиш суръати аҳоли сонининг ўсишига қараганда бир неча баробар жадал содир бўлганлиги сабабли аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ мутаносиб ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистонда ЯИМ ва аҳоли сонининг ўсиш суръатлари[3] (ўтган йилга нисбатан фоизда)

Йиллар	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012
Кўрсаткичлар													
Доимий аҳоли сони	101,3	101,2	101,2	101,1	101,2	101,1	101,3	101,5	101,7	101,7	104,0	101,5	101,5
Ялпи ички маҳсулот	103,8	104,2	104,0	104,2	107,4	107,0	107,5	109,5	109,0	108,1	108,5	108,3	108,2

Умуман, кейнс моделидаги “қашшоқликнинг доиравий чегараси” назариясида айрим камчиликлар мавжудлигини 1-жадвал маълумотлари тасдиқлайди. Лекин “қашшоқликнинг доиравий чегараси” назариясининг такомиллаштирилиши “ўзини-ўзи қўллаб-қувватловчи ўсиш” концепциясининг

яратилиши ва шаклланишида ўзига хос зина вазифасини ўтади. Ривожланган Ғарб мамлакатлари иқтисодиётини модернизациялаш концепцияларини шаклланишида америкалик олим Уолт Уитмен Ростоу томонидан илгари сурилган “ўзини-ўзи қўллаб-қувватловчи ўсиш”га ўтиш назарияси жиддий таъсир кўрсатган. 1956 йилда Массачусетс Университети профессори У. Ростоу томонидан яратилган мазкур назариянинг асосий ғояси анъанавий жамиятдан замонавий ғарблашган жамиятга ўтишдан иборат бўлиб, олим ўзининг қарашларига кейинроқ иқтисодий ўсиш босқичларини қўшган ҳолда “ўзини-ўзи қўллаб-қувватловчи ўсиш” концепциясини такомиллаштирган[4]. Профессор У. Ростоу иқтисодий ўсишнинг қуйидаги босқичларини ажратиб кўрсатган:

1. Анъанавий жамият (the traditional society).

2. “Парвозни ташкил этиш шарт-шароитлари” босқичи (the preconditions for take-off).

3. “Парвоз” (the take-off).

4. Етуклик сари ҳаракат (the drive to maturity).

5. “Юқори ҳажмли истеъмол” босқичи (the age of high mass consumption).

Юқоридаги босқичларнинг ҳар бирига қисқача изоҳ берган ҳолда Ўзбекистондаги иқтисодиётни модернизациялаш ҳолати нуқтаи назаридан баҳолаймиз. Биринчи босқичда меҳнатга лаёқатли бўлган аҳолининг 75 фоиздан ортиғи озиқ-овқат ишлаб чиқариш билан банд бўлиб, ер ресурслари хусусий мулкдорларга ёки давлатга тегишли бўлади. Шу ўринда қайд этиш керакки, Ўзбекистонда ЯИМни таркибида 2013 саноатнинг улуши 24,2 фоиздан зиёдни ташкил этиб, 2000 йилга нисбатан 10 ф.п.га ошган. Иқтисодиётда банд бўлган аҳолини тармоқлар бўйича тақсимланишини кузатадиган бўлсак, 2000-2012 йилларда саноат тармоғида мос равишда 12,7-13,0 фоизни ташкил этган бўлса, қишлоқ хўжалигида худди шу йилларда мос равишда 34,4-26,7 фоизни ташкил этиб, бошқа тармоқлар улушига қараганда анча юқори. Бундан кўринадикки, саноат тармоғида банд бўлган аҳоли сони сезиларли ошмаган, масалан 2000 йилда саноат тармоғида 1145 минг киши банд бўлган бўлса, 2012 йилга келиб 1590 минг кишини ташкил этган. Қишлоқ хўжалигида эса 2000 йилда 3093 минг киши банд бўлган бўлса, 2012 йил якунига кўра 3261 минг киши шу тармоқда меҳнат қилган[5]. Демак, бир томондан ЯИМ таркибида саноатнинг улушини орттириш билан анъанавий жамиятдан саноатлашган жамиятга ўтиб, биринчи босқичдан ўтиб кетгандай кўринадикки, лекин бошқа томондан иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сони қишлоқ хўжалигида бошқа тармоқларга, хусусан саноат тармоғига қараганда юқорилиги инобатга олинса, ҳали биринчи босқич тўлиқ якунига етмаганлиги намоён бўлади.

Иккинчи босқич “парвозга тайёргарлик” бўлиб, бунда иқтисодиётнинг 3 та носаноат тармоқлари: қишлоқ хўжалиги, транспорт ва ташқи савдода муҳим ўзгаришлар амалга оширилади. Ўзбекистон иқтисодиётида 2000-2012 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 103,1-107,0 %га, ташқи савдо айланмаси худди шу йилларда мос равишда 97,9-100,9 %га ўсганлигини кўраемиз. Транспорт соҳасидаги асосий кўрсаткичларни таҳлил қиладиган бўлсак, муаммоли ҳолатга дуч келинади:

Ўзбекистонда транспортнинг асосий кўрсаткичлари [6]

Умумфойдаланиладиган йўлнинг узунлиги, минг км.	Йиллар												
	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012
Темир йўллар	3,5	3,9	4,0	4,0	4,0	4,0	4,0	4,2	4,2	4,2	4,2	4,3	4,2
Қаттиқ қопламали автомобил йўллари	73,0	74,4	74,9	42,1	41,6	41,6	41,6	41,6	41,6	41,6	42,0	42,0	42,0
Трамвай йўллари	138,9	137,2	116,6	115,4	122,0	112,4	129,6	114,2	114,2	108,5	108,5	94,6	105,4
Метрополитен йўллари	29,5	36,1	36,1	36,1	36,1	36,1	36,1	36,1	36,1	36,1	36,1	36,1	36,1
Магистрал кувур йўллари	13,2	13,4	13,2	13,2	13,3	13,5	13,1	13,4	13,7	13,7	14,3	14,3	14,3

2-жадвал маълумотларидан кўринадики, ўтган йиллар давомида умумфойдаланишдаги темир йўл ва автомобил йўлларининг фойдаланиладиган узунлиги сезиларли ортиб бормаяпти. Ҳолбуки, модернизациялашда йўл қурилиши муҳим аҳамиятга эга. Бундан кўринадики, иқтисодиётни модернизациялашни учинчи - “парвози” босқичига олиб ўтиш учун ташқи савдо ва транспортнинг асосий кўрсаткичларидаги ўсиш суръатлари қоникарли эмас.

Учинчи - “парвоз” босқичи 20 йилдан 30 йилгача давом этиб, бу муддатда капитал қўйилмаларнинг ўсиш суръатлари жадал боради, аҳоли жон бошига тўғри келадиган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли ортади, саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоғида янги техникани жорий этиш тезлашади. Ривожланиш дастлаб маълум тармоқлардагина рўй берса, кейинроқ бутун иқтисодиётни қамраб олади. “Ўзини-ўзи қўллаб-қувватловчи ўсиш”га автоматик тарзда ўтиш учун бир нечта шартлар бажарилиши керак:

1. Миллий даромадда ишлаб чиқаришга йўналтирилган инвестициялар улушини кескин ошириш.
2. Саноатнинг бир ёки бир нечта соҳасини жадал ривожлантириш.
3. Анъанавий жамиятни ҳимоя қилувчилар устидан иқтисодиётни модернизациялаш тарафдорларининг сиёсий ғалабаси.

Ўзбекистон шароитида юқоридаги шартлар маълум маънода бажарилган.

Тўртинчи – “етуклик сари ҳаракат” босқичида У. Росту фикрига кўра, техник тараққиёт даври бошланиб, унда урбанизация даражаси ортади, саноат ишлаб чиқариши малакали менежерлар қўлига ўтади. Бу босқичнинг бошланиш даври Англияда 1850 й, АҚШда 1900 й., Германияда 1910 й., Францияда 1910 й., Канада 1920 й., Швецияда 1930 й., Японияда 1940 й., Россияда 1950 йилларга тўғри келади.[7]

Бешинчи – “юқори ҳажмли истеъмол” босқичида таклифдан талаб сари, ишлаб чиқаришдан истеъмол сари ўтилади, яъни ишлаб чиқариш талабга қараб истеъмол учунгина йўналтирилади. Кейинроқ У. Росту иқтисодий ўсишнинг олтинчи босқичини киритади. Бу босқич турмуш сифатини юксалтириш босқичи деб номланиб, бунда биринчи ўринга кишиларнинг маънавий ривожланиши қўйилади.[8] Ўзбекистонда халқимиз учун муносиб ҳаёт

шароити яратиш учун тўртинчи ва бешинчи босқичдаги талабларни тўлиқ бажарилиши керак.

“Қашшоқликнинг доиравий чегараси” ва “ўзини-ўзи қўллаб-қувватловчи ўсиш” концепцияларини ўзига хос тарзда синтезлаш натижасида “катта туртки” назарияси пайдо бўлди. Бу назариянинг асосчиси П. Розенштейн-Родан ҳисобланса-да, кейинроқ Ғарб олимлари Р. Нурксе, Х. Лейбенстайн, А. Хиршман, Г.Зингерлар томонидан озод бўлган давлатларни модернизациялаш учун мазкур концепциядан фойдаланилган. Кейнс модели, асосан, иқтисодиётни қисқа муддатда ривожлантиришни назарда тутган бўлса, неокейнс назариясига кўра узоқ муддатда ривожланиш учун концепция шакллантирилди. Бу муаммони ҳал қилишга XX асрнинг 40 йилларида Рой Харрод ва Евси Домарлар қўл урди. Улар томонидан яратилган назариянинг моҳияти иқтисодий ўсишнинг стратегиясида инвестициялар етакчи эканлигидадир. Е.Домар фикрига кўра, ялпи талаб инвестицияларнинг ўсишидан келиб чиқади. Ҳисоб-китобларни соддалаштиришда инвестиция лаги нольга тенг деб қабул қилинади. Ишчи кучи тақчил бўлмаган ресурс ҳисобланиб, капитал билан таъминланганлик ва жамғариш нормаси ўртасидаги тенгликни математик тарзда қуйидагича ифодалайди:

$$\Delta Y = m * \Delta Y = \frac{1}{1-c} \Delta Y = \frac{1}{s} \Delta I$$

Бунда: m – харажатлар мультипликатори;

c - истеъмолга чегаравий мойиллик;

s - жамғаришга чегаравий мойиллик;

Е. Домар моделида инвестиция экзоген омил сифатида қаралган бўлса, Р. Харрод иқтисодий ўсишнинг шундай моделини тузганки, унда инвестициялар эндоген функцияни бажаради. Бунинг учун у Кейнс мультипликаторини акселератор тамойилига кўра тўлдириб, моделда ишлаб чиқарувчиларнинг кутилмаларини акс эттиради. У даромадларнинг ҳар қандай ўзгариши инвестицияларнинг ўзгаришига таъсир кўрсатишидан келиб чиққан ҳолда улар ўзаро тўғри пропорционал эканлигини қуйидаги тенгликда ифодалайди:

$$I_t = v \times (Y_t - Y_{t-1})$$

Бунда: v – акселератор

Р. Харрод томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий ўсиш модели «таъминланган ўсиш суръати» деб номланган. Амалиётда ҳар икки олим томонидан яратилган моделлар бирлаштирилган ҳолда “Харрод-Домар” модели деб номланади. “Катта туртки” назариясини талқин қилишда ҳам турли мунозарали, зиддиятли ҳолатлар мавжуд. Масалан, Рагнар Нурксе модернизациялаш мақсадида “баланслашган инвестициялар жамланмаси” дан фойдаланишни таклиф этади[9]. Кевин Мёрфи, Андрей Шляйфер ва Роберт Вишнилар “Катта туртки” концепциясида саноатлаштиришга алоҳида урғу бериб, саноатнинг бир тармоғини эмас, балки унинг барча тармоқларини жадал ривожлантириш иқтисодиётда тушум ҳажмини оширишини изоҳлаб берадилар[10]. Уларнинг фикрича, иқтисодиётнинг битта тармоғини

саноатлаштиришда $NPV < 0$ бўлиб, самарали ҳисобланмайди. Саноатлаштириш шароитида саноат маҳсулотларига бўлган талаб ҳажми ортиб боради, шунингдек, ишлаб чиқариш тармоғига кўпроқ ишчи кучи жалб этиш мақсадида нисбатан юқори иш ҳақи тўланади.

Икки тақчиллик билан ўсиш модели концепцияси 1960-1970 йилларда америкалик тадқиқотчилар – Х. Ченери, М. Бруно, А. Страут, П. Экстейн, Н. Картер ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган. Бу моделда ўрта ва узоқ муддатли регрессив тизим акс эттирилган бўлиб, ўсиш суръати икки омил ички (жамғармалар тақчиллиги) ёки ташқи (савдо баланси тақчиллиги) ресурсларга қараб аниқланади. Модель ўзида учта асосий элементни жамлайди: биринчидан, жамғармалар (S) ва инвестициялар (I) фарқини берувчи зарурий ресурслар ҳисоби; иккинчидан, ташқи савдо тақчиллиги ҳисоби, яъни экспорт (X) минус импорт; учинчидан, ривожланаётган давлатда фойдаланиш мумкин бўлган капитал ресурсларнинг максимал ҳажми аниқланади. Шундан келиб чиққан ҳолда бу моделни куйидагича ифодаланади:

$$\begin{array}{lcl} Y & \equiv & Q \\ Y & \equiv & C+S+M \\ Q & \equiv & C+I+X \\ I-S & \equiv & M-X \end{array}$$

жамғармалар тақчиллиги

савдо баланси тақчиллиги

Бунда: Y – даромад, Q – ишлаб чиқариш, C – жами истеъмол, S – ялпи ички жамғармалар, I – ялпи ички инвестициялар, X – экспорт, M – импорт.

Ялпи ички инвестициялар ва ялпи ички жамғармалар ўртасидаги тафовут хорижий инвестициялар ҳисобига қопланиши мумкин.

$$I - S = F \Rightarrow I = S + F$$

Экспорт ва импорт ўртасидаги тафовут ҳам худди шундай тарзда хорижий инвестициялар ҳисобига бартараф этилиши мумкин:

$$M - X = F \Rightarrow M = X + F$$

Модернизациялаш сиёсатида кўзда тутилган ўсиш суръатини таъминлаш учун талаб қилинадиган хорижий ёрдамнинг ҳажми юқоридаги икки тақчилликка қараб аниқланади. Ушбу ёрдам фақатгина ички ёки ташқи тақчилликни камайтиришгагина эмас, балки маълум муддат ўтгандан сўнг хорижий ёрдамдан мутлақо воз кечиш ёхуд унинг кўламини сезиларли қисқартиришга қаратилади. Ушбу модель иккита муддатни тавсия этади. Иккинчи (узоқ муддатли) муддат ўз таркибига икки босқични қараб олади (3-жадвал).

Икки тақчиллик билан иқтисодий ўсиш модели

Муддатлар	Босқичлар
I. Ўрта муддатли (5-10 йил)	<div style="border: 1px solid black; padding: 5px; text-align: center;">1. “Катта туртки”</div>
II. Узоқ муддатли (10 йилдан ортиқ)	<div style="display: flex; justify-content: space-around;"> <div style="border: 1px solid black; padding: 5px; text-align: center;">2. Жамғармалар тақчиллиги</div> <div style="border: 1px solid black; padding: 5px; text-align: center;">3. Савдо тақчиллиги</div> </div>

Икки тақчиллик билан ўсиш модели “Катта туртки” ғоясининг мантиқий давоми ҳисобланиб, унинг мақсади ички жамғармалар ва ташқи молиялаштириш манбалари ривожланиши ўртасидаги ўзаро боғлиқликни кузатишдан иборат. Бу моделдаги ёндашув ташқи молиялаштириш манбаларини ички манбалар билан, импорт товарларни эса маҳаллий товарлар билан алмаштириш орқали ташқи молиявий қарздорликни тугатишни кўзда тутди. Бироқ амалда ривожланаётган мамлакатларнинг донор мамлакатлардан қарздорлиги тобора ортиб борганлигини кузатиш мумкин. Ташқи қарзлар ҳисобига бойиш уларни қарзга беришга қараганда бирмунча содда ва осондек кўринади. Худди шу жиҳат мазкур модернизациялаш концепциясининг энг асосий камчилиги ҳисобланади.

Юқорида кўриб ўтилган иқтисодиётни модернизациялаш концепциялари (иқтисодий ўсиш назариялари ва икки тақчиллик билан ўсиш модели)да ривожланаётган мамлакатларда чекланган ресурс ҳисобланган капитал омилига катта урғу берган ҳолда ишчи кучи омили назардан четда қолган. Бу эса неоклассик мактаб вакилларининг неокейнсчиларга нисбатан ҳақли эътирозини уйғотган. Неоклассик йўналиш тарафдорлари неокейнсчилар томонидан шакллантирилган иқтисодий ўсиш тизимига қарама-қарши тарзда ўзларининг модернизациялаш концепциясини яратдилар[11]. Кейнсчилар назарияларига кўра иқтисодий ўсиш фақатгина техник-иқтисодий кўрсаткичларга боғлиқ ҳолда ўзгариши исботланган бўлиб, ижтимоий-иқтисодий омиллар мажмуаси эътиборга олинмаган. Бунда иқтисодий фаолият асосан микдорий кўрсаткичларни оширишга йўналтирилиб, сифат даражаси эса муҳим саналмаган. Неоклассик мактаб вакиллари фикрига кўра, иқтисодий тараққиётга эришишда хориждан олинган ёрдамга эмас, ички ресурсларга таянилади. Шу сабабдан ҳам неоклассикларнинг модернизациялаш концепцияси миллий ҳукумат ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларда қизиқиш уйғотган. Ишлаб чиқарувчилар арзон ишчи кучини камроқ харажат билан ишлатиб, кўпроқ фойдага эришишдан манфаатдордирлар. Бу ўринда ҳукуматнинг олиб бораётган иш билан бандлик сиёсатига нисбатан ҳам зиддият пайдо бўлмайди, аксинча инвестицияга бўлган эҳтиёж ташқаридан қарз олинмасдан мамлакатнинг ичкарисида масала ҳал этилади. Неокейнсчилар концепциясининг моҳиятини ташкил қилувчи жамғармалар ва инвестициялар ўртасидаги ўзаро боғланиш таҳлили неоклассикларнинг капитал жамғариш ва

аҳоли ўсиши ўртасидаги боғлиқликни ифодалаб берувчи назариясига етакчиликни бой берди. Неоклассик мактабнинг йирик вакиллари У.А. Льюис, Дж. Фей, Г. Ранис, Д. Йоргенсон, С. Окава ва бошқалар томонидан ривожланаётган давлатлар учун дуализм, яъни икки компонент: анъанавий қишлоқ хўжалиги ва замонавий саноат тармоқлари ўртасидаги боғланиш ҳисоби ишлаб чиқилган (4-жадвал).

4-жадвал

Дуалистик иқтисодиёт назарияси[12]

Муаллифлар	Иқтисодиёт тармоқлари	
	замонавий	анъанавий
У.А. Льюис А.О. Хиршман С. Шатц	Капиталистик ривожланган шимол товарли	Нокапиталистик қолоқ жануб табиий

Анъанавий тармоқнинг классик варианты ривожланаётган иқтисодиёт учун характерли бўлиб, унда квазибарқарор мувозанат оддий технологиялар ва маҳаллий тажрибадан фойдаланган ҳолда сақлаб турилади. Қолоқ иқтисодиётда замонавий тармоқ анъанавий тармоқнинг ичида гўё ўзини-ўзи модернизация қилаётгандай ҳаракат амалга ошади. Замонавий тармоқда эса фан-техника тараққиёти тез сруъатларда ўсади, коммуникация, жаҳон бозори билан муносабатлар жадал ривожланади, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад ўсиш тенденциясига эга бўлади. Дуалистик иқтисодиёт назарияси Нобель мукофоти лауреати Пристон университети профессори Уильям Артур Льюис концепциясида яққол очиб берилган. Унинг фикрича, бу назария аҳоли зичлиги юқори, капитали тақчил ва табиий ресурслари чекланган давлатлар учун мос келади. Бундай давлатлар қаторига, Ҳиндистон, Бангладеш, Покистон, Миср ва бошқа давлатларни киритади. Модернизациялаш назариясида давлат етакчи деган ғояни илгари сурган кейнсчилардан фарқли равишда профессор У.А. Льюис ўз концепциясининг диққат марказида тадбиркорликни тутди. У Й.А. Шумпетернинг “учинчи олам” ғоясини конкретлаштириб, тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида тадбиркорлик ва инновацияларни назарда тутди. Сабаби тадбиркорлик шахсий-инсоний омил бўлганлиги сабабли олинадиган фойдани максималлаштиришга қаратилган ташаббускорликни ўзида намоён этади. Бундан кўринадики, неоклассиклар иқтисодиётни модернизациялашга макроёндашувдан микроёндашувни, яъни корхона ёки фирма нуқтаи назаридан ёндашишни афзал билишади. Ҳар бир якка тартибдаги лойиҳани амалга оширишдаги асосий мезон фойдани максималлаштиришдир. Юқори фойдага эришиш учун инвестициялар турли тармоқларга йўналтирилади, яъни иқтисодиёт диверсификацияланади. Оқибатда эса миллий иқтисодиётда иқтисодий ўсиш суръатлари жадаллашади.



2-расм. Микроёндашувнинг қатъий схемаси[13].

Мазкур концепцияни “меҳнат таклифининг ортикчалиги модели” деб номланишига сабаб профессор У.А. Льюис меҳнат ресурсларининг чекланмаганлиги гипотезасини илгари суриб, малакасиз ишчи кучи учун яшаш минимумини қондириш учун иш ҳақи тўланиши етарли деб биледи. Тараққий этган мамлакатларнинг замонавий бозор иқтисодиётида эса реал иш ҳақи бозордаги меҳнат ресурсларига бўлган талаб ва таклифдан келиб чиқиб аниқланади. У.А. Льюис ривожланаётган мамлакатларда меҳнат таклифи ҳар доим ортикча бўлганлиги сабабли аҳоли жон бошига тўғри келадиган иш ҳақининг мавжуд даражасини доимий деб олиш мумкин деб ҳисоблайди. Шу тариқа ривожланаётган мамлакатлардаги дуализм концепцияси асосида турли хил тақсимот қонунлари амал қилади. Саноат тармоғида ҳал қилувчи омил бозор бўлганлиги сабабли ишлаб чиқариш имкониятлари чегараси қонуни ишлаб чиқарилган маҳсулот учун тўланган реал иш ҳақидан келиб чиқади. Аграр тармоқда эса асосий омил маҳаллий институтлар ҳисобланиб, улар томонидан ўртача иш ҳақи белгилаб берилади.

5-жадвал

У.А.Льюис иқтисодиёт тармоқлари тўғрисида[14]

Тармоқлар	Аниқловчи омил	Тақсимот қонуни
Саноат	Бозор	Ишлаб чиқариш натижасига кўра
Қишлоқ хўжалиги	Маҳаллий институтлар	Доимий институционал иш ҳақи

У.А. Льюиснинг ёндашуви бўйича иқтисодиётни модернизациялаш учун ресурсларни аграр сектордан саноат тармоғига қайта тақсимлаш жараёни зарурат сифатида қабул қилинади. Бунда иккита: жамғариш ва бандлик муаммолари ҳал этилиши керак. Шунинг учун ҳам профессор Льюиснинг модернизациялаш концепцияси моддий ва меҳнат ресурсларини тармоқлараро қайта тақсимлаш усули сифатида қаралади. Бироқ концепция ҳам ўзига хос камчиликлардан холи эмасди. Амалиётда бозор механизми идеал ҳолатда бўлмаслиги сабаб, яширин ишсизлик, ишлаб чиқарувчиларнинг спекулятив даромад сари интилиши, шунингдек аграр тармоқдаги малакасиз меҳнат ресурсларини бирданга саноат тармоғида малакали ишчи кучига айлантириш имконияти йўқлиги кабиларни асосий камчиликлар сифатида кўрсатиш мумкин. Шунга қарамадан, У.А. Льюиснинг неоклассик концепцияси иқтисодий тараққиёт назариясини шакллантиришда олға ташланган қадам бўлди ва олим 1979 йилда ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти бўйича олиб борган ишлари учун халқаро Нобель мукофотида сазовор бўлди. Унинг ғоялари дуалистик иқтисодиётни модернизациялашнинг иқтисодий-математик

моделларини ишлаб чиқишда асос бўлиб хизмат қилди. Дуалистик иқтисодиёт моделларини ишлаб чиққан Дж. Фей ва Г. Ранислар томонидан яратилган концепцияда дуализм бир томонлама эмас, балки уч томонлама олиниб, кенг ва чуқур таҳлил қилинган. Уларнинг фикрига кўра, ёпиқ иқтисодиёт шароитида дуалистик меҳнат бозори қишлоқ хўжалиги ва ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида ишлаб чиқаришни амалга оширган. Бундан ташқари, дуалистик концепция моделида меҳнат ресурслари қишлоқ хўжалигидан шаҳарга кўчиб ўтишига, яъни урбанизацияга алоҳида урғу берилган. Лекин ривожланаётган давлатларнинг ҳаммасида аҳолининг аксарият қисми шаҳарларда яшамайди. Ушбу камчиликларига қарамасдан, неоклассик моделнинг энг катта ютуғи иқтисодиётни модернизациялашда ички манбаларни излаб топишга қаратилганлигидадир.

Демак, юқоридагиларни умумлаштирилиб қуйидаги назарий хулосалар шакллантирилди:

1. “Қашшоқликнинг, доиравий чегараси” назариясининг такомиллаштирилиши “Ўзини-ўзи қўллаб-қувватловчи ўсиш” концепциясининг яратилиши ва шаклланишида ўзига хос зина вазифасини ўтади.

2. Ялпи ички маҳсулот таркибида инвестициялар улушини ва саноатни жадал ривожлантириш “Ўзини-ўзи қўллаб-қувватловчи ўсиш”га автоматик тарзда ўтиш имкониятини беради.

3. “Катта туртки” концепциясига кўра саноатлаштиришга алоҳида урғу берилиб, саноатнинг бир тармоғини эмас, балки унинг барча тармоқларини жадал ривожлантириш иқтисодиётда яратилган ЯИМ ҳажмини оширади.

4. Некейнс назариясига кўра иқтисодиётни модернизациялаш учун узок муддатли концепция шакллантирилди. Кейнс моделида эса иқтисодиётни қисқа муддатда ривожлантириш назарда тутилган эди.

5. Иқтисодиётни модернизациялашнинг неоклассик концепциясида иқтисодиётни ривожлантириш ички ресурсларга таянади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади – Т.: Ўзбекистон, 2014, б. 34.

2. Leibenstein H. Economic Backwardness and Economic Growth. Studies in the Theory of Economic development. New York.1957. P.48-51

3. Ўзбекистон Республикаси Йиллик статистик тўплам - Т., 2007-2013 йиллар. Б. 31.

4. Rostow W. The Take-off into Self-sustained Growth // The Economics of Underdevelopment. The 2nd Ed. L., 1960. P.154-186.

5. Ўзбекистон Республикаси Йиллик статистик тўплам - Т., 2007-2013 йиллар. Б. 60-61.

6. Ўзбекистон Республикаси Йиллик статистик тўплам - Т., 2007-2013 йиллар. Б. 320; 288.

7. Rostow W. The Process of Economic Growth. Oxford, 1960. P. 319.

8. Rostow W. Politics and the Stages of Growth. The University Press. 1971. P.230.
9. Nurkse R. Op.sit.; Nurkse R. Ekuilibrium and Growth in the World Economy. Cambridge, 1961.
10. Kevin M., Murphy, Andrei Shleifer, Robert W. Vishny “Industrialization and the Big Push” Journal of Political Economy 1989.
11. Arthur Lewis W. The Roots of the Development Theory, in: Handbook of Development Economics. Vol.I. 3rd Ed. Amsterdam. 1993. P.27-37.
12. Нуреев Р.М. Экономика развития: модели становления и одернизации рыночной экономики. - М., 2008. С. 50.
13. Алешина И.В. Проблемы моделирования экономики развивающихся стран. - Л., 1970. С.132.
14. Нуреев Р.М. Экономика развития: модели становления и модернизации рыночной экономики. - М., 2008. С. 52